

O'ZBEKISTON



OVYOZI IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 8-iyun • Payshanba • 66 (27.558) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan



15 МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!

Кўприк қуриш дунёдаги энг савобли ишлардан бири сифатида улурланади. Чунки кўприк фақат қатновни қулайлаштириш воситасигина бўлиб қолмай, дилларни дилларга боғлайди. Қолаверса, бугун биз бунёд этаётган кўприклар шахримиз мезморий гўзаллигини оширишда алоҳида аҳамиятга эга.

Ислом **КАРИМОВ**



МЕТИНДЕК МУСТАҲКАМ КЎПРИКЛАР...

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, кўп соҳаларда бўлгани каби йўл ва кўприклар қуришда ҳам бекиёс улкан ишлар амалга оширилди. Маълумотларга кўра, мустақиллик йилларида биргина Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудларда умумий ҳажми минг километрлик йўл ва кўприклар қурилди, реконструкция қилинди. Утган йили пойтахтимизнинг халқа йўлида — Сирғали тумани ҳудудидаги йирек чорраҳада 49 метр узунликдаги йўл ўтказгич барпо этилган. Шунингдек, ушбу йўл

ўтказгич Катта ўзбек тракти билан боғланган. Бундай савобли амалларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, бу эзгу ишлар замирида халқимизнинг оғирини енгил, узогини яқин қилиш, юртдошларимизни турли хавф-хатарлардан омон сақлаш каби ёруғ мақсадлар мужассам.

Яқинда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Кичик халқа йўли билан Халқлар дўстлиги шоҳқўчаси кескишидаги жойда йўл ўтказгич қурилиши ишлари бошланди. Ушбу ўта масъулятли вазифани «Автомагистраль» махсус

йўл қуриш ва таъмирлаш бирлашмасига қарашли «Кўприкқурилиш ва фойдаланиш бошқармаси» бунёдкорлари ўз зиммаларига олишган.

Олдинлари ушбу йўналишда ҳаракат қилаётган автомобиллар турли ноқулайликларга дуч келишарди. Ўз навбатида пиёдалар ҳам эмин-эркин юра олмас эди.

— Биз қураётган иншоотнинг эни 30, узунлиги салкам тўрт юз метр бўлади, — дейди «13-кўприк қурилиш бирлашмаси» устачка бошлиғи **Константин ПЕНЬКОВ**. — Ушбу

йўл ўтказгич ишга туширилиши билан биринчидан, автомобиль қатнови яхшиланади, иккинчидан, пиёдаларга ҳам қулайлик яратилади.

Қувонарли томони шундаки, қурувчилар ушбу иншоотни мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллик тўйига байрам совғаси сифатида топширишмоқчи.

Мазмуржон МАҲМУД, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: йўл ўтказгич қурилишидан лавҳалар.

Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASIDA

6 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси Мирзаулуғбек Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Олий Мажлис Сенати айрим аъзоларининг ваколатлари тўғрисидаги, янги тахирдаги Марказий сайлов комиссияси Регламентининг лойиҳаси тўғрисидаги, шунингдек, комиссиянинг жорий йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси лойиҳаси ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Шавкат Исмаилович Салихов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб тайинланди. Абдимўмин Сунатович Жўраевнинг Самарқанд вилояти Халқ депутатлари Пастдарғом ту-

гани Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига аъзолиги ваколати Комиссиянинг қарори асосида муддатидан илгари тугатилди.

Мажлисида сайлов тизимини янада демократлаштириш борасида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, хорижий давлатларнинг сайлов ўтказиш бўйича тўпланган тажрибасини ўрганиш ишларини яхшилаш зарурати алоҳида таъкидланиб, Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг бу ишларни амалга ошириш юзасидан вазифалари белгиланиб, аниқ чора-тадбирлар мўлжалланди.

Комиссия мажлисида муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

«ТИНЧЛИК» МАҲАЛЛАСИДА

Сирдарё вилояти Ховос туманидаги «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида иқтимоий ҳимояга муҳтож оилалар кўп эмас. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ана шундай кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, уларга соғин сигирлар берилди. Йиғирмадан зиёд иқтисодий ноқон оиланинг коммунал тўловларини ҳомийлар ўз зиммасига олган.

«Тинчлик» маҳалласида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови муносабати билан ўтказилган йиғилишда аҳолини, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Сайловчилар вакиллари маҳалла фуқаролар йиғини раислигига кўрсатилган уч номзод учун овоз берди. Энг кўп овоз олган Д.Исломова «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. Маҳалла аҳли фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиларини ҳам сайлади.

Д.ЭСОНОВА, ЎЗА мухбири

ҲИММАТ

Ҳимматни ҳамisha савоб деб билинг, энг аввал муҳтожга ақинсин дилинг. Бир бой айтар эди иккинчи бойга: — Тақсир, бизга ҳам бир ҳомийлик қилинг.

Абдулла ОРИПОВ, 2006 йил 6 июнь

Муносабат

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг араб тилида нашр этилиши бутун ислом дунёси томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Яқинда Кувейт ҳамда Саудия Арабистони давлатларида мазкур китоб тақдимотида баянланган маросимларда бу борада кўплаб фикрлар билдирилди, юртимиз раҳбарининг маънавий-диний ва миллий-маданий қадриятларни тиклаш борасидаги оқилона саяҳатлари эътироф этилди.

Биз тақдимот маросимида иштирок этган Ўзбекистон делегацияси аъзоси, Тошкент ислом университети ректори вазифасини бажарувчи **Абдулҳай АБДУЛЛАЕВ**дан ушбу сафар таассуротлари ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.



— Аввало, Президентимизнинг мазкур китоби ҳар иккала давлат иқтимоий-сиёсий доиралари, дипломатик корпус, жамоатчилик вакиллари, олим ва мутахассислар, олий ўқув юртли раҳбариятининг қизғин муҳокамаларига, қўллаб-қувватлашларига сабаб бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки, айрим Ғарб давлатлари томонидан Ўзбекистон ҳақида турли бўҳтон ва тухматдан иборат ёлгон хабарлар тарқатилган бўлганда ҳам мазкур китобнинг нашри эътироф бўлди. Айниқса, тақдимот маросимида Ўзбекистон раҳбариятининг мустақиллик йилларида биргина маънавий-диний соҳага кўрсатилган эътибори, мамлакатда виждон эркинлигини таъминлаш борасидаги ишлари, қолаверса, иқтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий соҳадаги ислохотларни амалга оширишда эришган ютуқлари ҳақида сўзлаб берганимизда, бу уларнинг юртимиз ҳақидаги фикрлари билан ҳамроҳ эканлиги барчани қувонтирди.

Кувейт миллий университетидан бўлиб ўтган тақдимотда ушбу мамлакатда акредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари ҳам иштирок этдилар. Барча иштирокчиларга китобнинг моҳияти, мазмунини тўғрисида батафсил тўшунча берилди. Мазкур маълумотлар асосида марказий катнашчилари юртимизда тинчлик-оқилолиятни сақлаш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш юзасидан белгиланган ишлар нақадар тўри, изчил ва муваффақиятли амалга оширилётганлигини айтиб ўтишди.

Шу билан бирга мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлашларини билдиришди. Жумладан, университет сиёсатшунослик кафедраси мудири **Абдул Ридо Асоири** мамлакатимизнинг инсоният цивилизациясига ҳисса қўшган улғу тарихи борлиги, у бугун ҳам ислом дунёси, қолаверса, Марказий Осиё минтақасида муҳим стратегик аҳамиятга эга эканлигига йиғилганлар эътиборини қаратди.

Президентимизнинг мазкур асарини, тақдимот маросими ва унда билдирилган фикрлар борада кўпчилик иштирокчилар томонидан ҳам юқори баҳоланди. Нотикларнинг таъкидлашича, «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китоби барча давлатларда катта қизиқиш уйғотди. Улар бу рисола орқали юртимиз ҳаёти ҳақидаги асл ҳақиқатни билишга интилиш кучли эканлигини изҳор этдилар.

«демократия»нинг тикштирилишига йўл қўйиб бўлмайди. Саудия Арабистонидаги Ислам тадқиқотлари марказида ўтказилган тақдимот маросимида ҳам мазкур китоб ва унинг аҳамияти борасида қатор ижобий фикрлар билдирилди. У ерда сўзга чиққан кўпчилик олимлар, жамоат арбоблари, турли дипломатик ваколатхоналар вакиллари ўтган йили Андижонда содир этилган ноҳуш воқеалар ва у ҳақида Ғарб матбуоти тарқатган бўҳтонлар хусусида ўз мулоҳазаларини билдиришди. Мазкур китобда ушбу воқеаларга батафсил, холис ва ҳаққоний баҳо берилганини қайд этишди.

— Маълумки, бугунги кунда ер юзидан айрим террорчилик ва диний экстремистик гуруҳларнинг хуружларини ислом дини билан боғлашга уринишлар учраб турибди. Бўлиб ўтган тақдимотларда Президентимиз асарининг бундай уйдирмалар асл мақсадини очишдаги моҳиятига қандай баҳо берилди?

— Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда дунёнинг у ёки бу бурчада содир этилаётган террорчилик ҳаракатларига диний никоҳ кийдиришга уринишлар йўқ эмас. Асосийси, динни никоҳ қилиб олган экстремистик гуруҳларнинг борада муқаддас динимизни бузиб, ислом номидан бўлар-бўлмас бўҳтонларни гапириб, шу билан бирга турли ёвузона ҳаракатларини дин билан боғлашга ўта нотўғри нарсаси. Чунки, ислом дини доимо тинчлик-барқарорлик, халқлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат ҳамда имон-эътиқодни тарғиб этиб келган ва бугун ҳам шундай.

Тақдимот иштирокчилари террорчиликнинг дини бузиб, қабиҳ ишларни амалга ошириб келаётгани албатта уларни ҳам ранжитиб қўлади, улар ҳам бунга қарши ўз юртида кураш олиб бораётгани ҳақида мисоллар билан гапиришди. Қолаверса, мазкур китобда келтирилган далиллар бу борада тўғри ёндашув бўлиб, Ўзбекистоннинг маърифатли ва бағрикенг исломни ривожлантиришдаги амалий ҳаракатларини қўллаб-қувватлашларини билдирилди.

Делегациямиз ташриф доирасида Саудия Арабистони ислом ва вақф ишлари вазири **Салих Ол аш-Шейх**, ҳаж ишлари вазири **Фуад ал-Форисий**, маданият ва ахборот ишлари вазири **Ийяд Амин Маданий** ва бошқа мартабали кишилар билан ҳам учрашди. Мамлакатимиз раҳбарининг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китоби барча давлатларда катта қизиқиш уйғотди. Улар бу рисола орқали юртимиз ҳаёти ҳақидаги асл ҳақиқатни билишга интилиш кучли эканлигини изҳор этдилар.

Бошқача қилиб айтганда, мазкур китоб мамлакатимизнинг ўз белгиланган йўлидан оғишмаслиги, халқимизнинг қатъияти ва эътиқодини ифода этувчи асар сифатида борада бирдай таассурот уйғотди.

— Айтинчи, тақдимотлар доирасида Ўзбекистон делегацияси билан яна қандай учрашувлар ўтказилди?

— Мен шунчи мамнуният билан таъкидлашни истардимки, барча тақдимот ва учрашувларда бутун араб дунёси вакиллари юртимизда тинчлик барқарорлиги, мамлакатимиз кундан-кунга ривожланиб, обод бўлиб бораётганлиги ҳақида алоҳида қизиқиш ва фахр билан гапиришди. Биздаги улкан бунёдкорликлар ҳориждаги ҳар бир ватандошимизни қувонтираётганига мана шу сафаримиз давомида яна бир бор амин бўлдик. Улар бизни биринчи галда **Имом Бухорий** авлодлари деб билишди. Чунки, юртимиздан чиққан буюк алломалар бутун ислом оламига маълум ва машҳур. Бугун **Имом ат-Термизий**, **Мотуридий**, **Беруний**, **Аз-Замашшарий** ва бошқа кўплаб мутафаккирларимиз мероси уларнинг барча мактаб ва олий ўқув юртиларида ўқитилади. Албатта, ислом динини ўрганишда ҳам, дунёвий фанларни эгаллашда ҳам бу алломаларнинг илмий мероси жуда катта аҳамиятга эга.

Сафаримиз чоғида биз Саудия Арабистонидаги **Имом Муҳаммад бин Сауд** номидаги Ислам университетида ҳам бўлдик. Университет раҳбариятига Президентимиз китобини тақдим этдик. Уларга Ўзбекистонда олиб борилаётган ижобий ўзгаришлар ва мамлакатимизда мустақиллик йиллари — 1999 йилда очилган Тошкент ислом университети ҳақида, унинг олдида қўйилган мақсадлари, университетимиз эришган ютуқлар хусусида гапириб бердик. Улар биз билан доимий алоқалар ўрнатишга қизиқиш билдиришди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу сафар давомида Президентимизнинг мазкур китоби бутун араб дунёсида катта воқеага айланди. Буни маҳаллий ОАВ томонидан мазкур учрашувлар изчил ёриштирилган ҳам билиш мумкин. Бўлиб ўтган мулоқотларда Ўзбекистон ҳукуматининг Марказий Осиё минтақасида ҳафсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсати, қолаверса, мамлакатимизнинг иқтимоий-сиёсий соҳадаги ислохотларига юқори баҳо берилди. Андижонда содир этилган террорчилик хуружларига ёндашувда Ўзбекистон позицияси ҳаққоний эканлиги таъкидланди. Шубҳасиз, бундай қарашлар юртимизни ўзига дўст билган барча давлатлар учун зарур ва фойдалидир.

Сўзбашдош:
Матназар ЭЛМУРОДОВ



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING OLTINCHI YALPI MAJLISINING OCHILISHI TUG'RISIDA

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси 2006 йил 9 июнь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 8 июнь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT

XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK

KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40

www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJA MARKAZI

MULKDORGA HAMKORI

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74

WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Bija@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

Сизнинг муваффақиятиңиз учун!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГIZ КАЛИТИДИР

Хизматлар лицензияланган

ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Компартияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси Доимий қўмитаси аъзоси Ли Чанчунь 7 июнь кўни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов ҳамроҳлигида «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятида бўлди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги за-

монавий самолётлар хитойлик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Делегация аъзолари, айниқса, оғир юк ташишга мўлжалланган Ил-76 самолётларини катта қизиқиш билан томоша қилдилар. Шу кўни делегация аъзолари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ташриф буюрди. Мазкур олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашувда мамлакатларимиз ўртаси-

даги алоқалар барча соҳаларда, жумладан, таълим соҳасида ҳам изчиллик билан ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хитойлик меҳмонлар Ўзбекистон Давлат санъат музейини ҳам бориб кўрдилар. (ЎЗА)

Ифтихор

Хамиша ҳаракатда, айлана-б-тўра турғувчи бу ёруғ дунё ўзининг сайқалини муқаддас шаҳри азим Самарқандда жо айлаган бўлса ажаб эмас. Буюк темирўйлар пойтахти бўлган ва Оллоҳ назари тушган бу муборак шаҳар бизга асрлардан ҳикоя қилиб ҳамон мағрур ва масрур турибди. Унинг серфайз дарёдек оқиб турган ҳаммаша гавжум кўчалари, хиёбонлари истиқлол туйғулари яна ҳам кўркамлашди. Иўлим тўшиб, саксон ёшим арафасида зиярат истаб, Самарқандга бордим. Илгари ҳам бир неча бор бу муқаддас шаҳарда бўлганмен, ёзган китобларимнинг аксарият қисмидаги воқеалар мана шу кўча заминидан юз берган. Шунинг учми бу гўзал шаҳарга ихлосу эътиқодим ўзгача.

Ўзбекистонимизга кўп истеъдодли олимлар, ёзувчилар, мутахассислар етказиб берган Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида ёшлар билан мулоқотда бўлдим. Бу билим даргоҳининг аҳил жамоаси меҳр-муруввати билан чиройли бир учрашув бўлди. Теран, билимга чанқоқ, келажакга ишонган талабалар билан суҳбатлашиб, фикрлашиб, улар сиймосида эртаси буюк, порлоқ Ўзбекистонимизнинг фидойи фарзандларини кўрдим.

Учрашувдан сўнг, қайноқ ва уйғоқ азим шаҳар бўйлаб саёҳатга чиқдик. Самарқанд шаҳри, унинг атрофида Амир Темури бобомиз номи билан боғлиқ бўлган Боғи Шамол, Боғи Дилқушо, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Давлат, Боғи Майдон каби сўлим оромгоҳлар бўлганлиги тарихдан маълум. Бу ҳақда ўша давр ёзма манбаларида Самарқандга келган сайёҳлар ёзуварларида, айниқса, испан элчиси Клавио битикларида кўп таъриф тавсиф қилинган. Бугунги кунда эса Самарқанд шаҳри ўша боғи-бўстон манзилгоҳлар замиридаги ям-яшил кўкаламзор боллар кўчюғида. Президентимиз Ислам Каримовнинг маслаҳати билан шаҳар истироҳат боғи яна ҳам кенгайтирилган ва унга Алишер Навоий номи берилган. Самарқанд дорилфуруни хиёбони тарафидан шарқона дарвоза орқали боққа кириб борилади. Боғнинг ўртасида Алишер Навоийнинг хайкали салобат тўкиб турибди.

Фикримизча, Самарқанд ўтмиш билан ҳозирги замонни ўзидан муҳасам этган жаҳонга машур ва маълум шарқона қиёфадаги гўзал, кўркам шаҳри азимидир. Агар муболаға бўлмаса, қадим тарихнинг янги замон билан тутшиб, уйғунлашиб кетган бунақа ифодаси дунёнинг бирорта қиёсасида бўлмаса керак. — «Самарқанд сайқали рўйи замин аст», бу абадул-абад муҳрланиб қолган тарих ҳукмидир.

Энг муҳими, Самарқанднинг жаҳонга машур ва маълум ёдгорликлари кишини яна бир бор хайратга солди. Чунки, бу ўлмас абадиятга қолган обидаларнинг тенгсиз мажмуаси ис-

тикролимиз туйғулари бошқача тароват кашф этган. Гўри Амир мажмуаси, Биҳишоним мадрасаси, Улугбек расадхонаси, Самарқанд обидаларининг гултожи бўлган Регистон, Қорсу ёдгорлиги, Шоҳи Зинда ва бошқа ўлмас ёдгорликлар қадимда қандай ҳолатда бўлса, ҳозир кўтлуғ замон, мустақиллик шарофати билан ўша даврларга қайтгандай, янгидан бунёд этилгандай. Айниқса, Темирўйлар дафн этилган Гўри Амир мажмуасининг янада салобатли ва гўзал қилиб таъмирланганига минг бор таҳсин-тасаннолар айтмас бўлмас. Қўлигул, моҳир усталар қалб кўрлари, кўз нурлари ва игна билан кудўқ қазгандай меҳр билан таъмирланганларки, хайратда қоласиз.

мукаммал тартиб-қоидалар ўрнатдимким, энди Эрон ва Туронда ҳеч ким ўз ақинига ёмонлик қилмайду, бадавлатлар фекирларни эзмайдурлар, мен шундан таскин топаманким, подшоҳлик давримда кўчлиларнинг охишларга озор беришларига йўл қўймадим... Халқлар осойишталиги борасида қарам фуқаролардан хабардор бўлиб туринглр, қатъиятти ва мардонвор бўлинглр. Улкан давлатни мендай узоқ йиллар давомида бошқариш учун қўлларингдаги шамиришни шараф ва номус билан маҳкам тутинглр. Мен Эрон ва Турон ерларини душманлардан ва галамуслардан покладим, бу ерларни адолатдан ва марҳаматдан гуллатдим.

Ўқув юртрали жамолини кўриб қалбингда қувонч, ифтихор туйғуси уйғонади. Каттақўрғон тумани азалдан республикамиз ижтимоий, иқтисодий ҳаётида ўзига хос муҳим ўрин тўтиб келган. Бу ерда кейинги икки йил давомида бир қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Туман марказий шифохонаси янги биноси, ўнлаб қишлоқ врачлик пунктлари, коллежлар, замонавий мактаблари кўриб, истиқлолимизга шукрона айтдим. Туман раҳбарлари ҳақиқий фидойи инсонлар эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Лобар аёл Юлдузхон опа директорлик қилаётган Каттақўрғон туманидаги Орзи Маҳмудов



монўпар кўп йиллик чинорлар ўша замонлардан сўзлаётгандек. Зияратга келаётганларнинг кети узилмади. Мақбара ёнидаги чиройли пешайвонга қўйилган ўриндиққа жойлашиб, қўтиҳага кўл оingan ҳам эдики, бир нуруний мўйсафид келиб, ёнимизга ўтирди-да, саломалиқдан сўнг қўрзон тиловат қилди. Кейин бизни Тошкентдан келган меҳмонлар эканлигимизни билгач, деди: — Минг бор раҳматлар бўлсин Юртбошимизга, ул олижаноб инсон шу вақтгача ҳеч ким қилмаган ишни қилди, салобат ботди, хар номоз олдидан дуо қиламан. Бобокалонимиз Амир Темурдан бошлаб барча аллома уламо-ларнинг мақбара, қабрларини обод қилди, бундан савобли, саховатли иш борми ўзи дунёда! Оллоҳ узоқ умр берсин, бошимизга соябон бўлсин...

Самарқанд сафаридан кўтаринки руҳ ва она-Ватанимизга меҳримиз тошиб, ифтихор туйғулари билан Тошкентга қайтдик. Ҳа, замонлар ўзгарди, одамлар ҳам. Биз бундан ўн беш йил илгариги ўзбеклар эмасми, истиқлол ҳаётимизни, турмуш тарзимизни тўб-тубидан ўзгартириб юборди. Энди биз ўзлигимизни чуқур англаб етган, миллий ифтихор туйғулари кучли, туриш-турмушимиз, дунёвий қарашларимиз ўзгарган овоз, эркин миллатимиз, ҳеч кимдан кам эмасми, кам бўлмаймиш ҳам.

Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигининг ўн беш йиллигини қаршиламақда. Ана шу қисқа вақт ичида биз эришган ютуқлар асрларга тенг десак хато бўлмас. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар, халқ фаровонлигини кўзлаб амалга оширилаётган ибратли ишларнинг қиёси йўқ. Эътиборлики, фарзандларимиз келажакни ўйлаб қилинаётган ишлар Ўзбекистонни буюк давлат сифатида танитишга шубҳа йўқ. Шу боис мамлакатимизни тез суръатлар билан олға ривожлантираётганимизни кўра олмаётганлардан ҳушёр бўлишимиз керак. Аҳир истиқлол биз учун иҳоятда қимматлидир, она сундек азиз ва мўстабардир. Уни ёмон қўллардан, гийбатчи галамислардан асрамоғимиз, кўз қорачиғидек сакламоғимиз даркор.

Истиқлол туйғулари оламга танилдиқ, ўзимизга хос ва мос йўлни танаддик. Бу эса миллатнинг таниш, овозлиқ ва бахт-саодат йўлидир. Мақсуд ҚОРИЕВ

Депутат ва ҳаёт

ФАОЛЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши ҳамда Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида қилган маърузалари Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари, қолаверса, партиямиз ҳар бир аъзосининг янада фаоллашувиغا олиб келди. Мухбиримиз бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида Фарғона шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи раиси, вилоят клин шифохонаси консултатив полиликниқаси мудири Миршод САЙДУЛЛАЕВ билан суҳбатлашди.

— 2004 йилда бўлиб ўтган сайловлар натижасида халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашига мавжуд 30 та сайлов округидан 15 таси бўйича Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар сайланди. Ҳозирги кунда улар депутатлик гуруҳига бирилашиб, тасдиқланган режа асосида иш олиб бормоқда. Гуруҳимиз режасидан шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, аҳоли турмуш даражасини янада оширишга қаратилган ва бошқа қатор долзарб масалалар ўрин олган. Ушбу мақсадлар амалга ошириш учун депутатларимиз мунтазам равишда ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказиб бормоқда. Учрашувларда аҳоли томонидан билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар тегишли мутасадди ташкилотлар билан бирга ижобий ҳал этиб келинмоқда. Масалан, депутатлик гуруҳимиз аъзоси, Фарғона академик лицейи директори М.Каримовга бир гуруҳ фуқаролар мурожаат этиб, шаҳардаги «Соҳил» ва «Сойбўйи» кўчалари ташташган жойда сизот суви чиқиши натижасида хонадонларни сув босаётганлиги боис бу масалани ҳал этишда амалий ёрдам беришни сўрашди. Депутатнинг тегишли мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан ҳамкор-

лиги натижасида қувур ётқизилди. Бундан ташқари, худуддаги 8 нафар ёлғиз кексага, 2 нафар ногиронга, 6 нафар боқувчисини йўқотган оилаларга ўқув юрти ўқитувчи ва ўқувчилари ёрдам бериб келаяпти. Халқ депутатлари Фарғона вилоят ва шаҳар Кенгаши депутати, Фарғона тўқимачилик комбинати очик турдаги хиссадорлик жамити раиси А.Тошхўжаевнинг уй-жойга муҳтож фуқаролар Олтинчи Сулаймонова, Хосиятхон Утамова, Миनावархон Умароваларга тегишли тартибда уй-жой ажратилиши масаласи ечилишида хиссаси катта бўлди. Шунингдек, унинг ташаббуси билан сув тошқинидан зарар кўрган Фарғона тумани, Гулпион қишлоғида яшовчи Хусан Шарипов хонадони таъмирлаб берилди.

Фарғона шаҳар Кенгашига 8-Саноат сайлов округидан депутат, Педагогика ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директори Азиза Бекмирзаева фуқаролар мурожаатларига биноан тегишли мутасадди ташкилотлар имкониятларидан фойдаланиб сайлов округи худудида жойлашган маҳалалардаги кўча чироқлари ва йўллар таъмирланишига ёрдам кўрсатди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, ҳар бир бажарилган иш ортида қанчадан-қанча меҳнат, фуқаролар, турли идоралар вакиллари билан учрашувлар, фикр алмашувлар ётибди. Бир масалани ечиш учун баъзан кўплаб одамлар билан мулоқот қилишга тўғри келади. Шу аснода биз Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий гоғялари, янгиланган мафкурасини тарғибот-ташвиқот қилмоқдамиз. Одамлар айтаётган сўзимиз ва бажараётган амалий ишларимиз бирлигини кўриб бизга ишонч билдиришмоқда. Уйғайманки, эндиликда сайлов олдидан ўзини кўрсатишга интилиб кейин одамлар кўзидан панада юришининг вақти ўтди.

Маҳмуджон ТОИРОВ ёзиб олди.

«Ғалла — 2006»

БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА

Бухоро. Қоровулбозор тумани ғаллакорлари давлатга дон сотиш юзасида шартномавий режаларини бажардилар. 6635 гектар майдондаги ғалла қисқа фурсатда йиғиштириб олинди. Ялли ҳосил 30 минг тоннадан ошди. Давлат хирмонига режадаги 10 минг тонна ўрнига 11 минг тонна сара дон сотилди. — Урим-ийгим ишларининг янгилаш ташкил этилгани боис, — дейди туман ҳокими Илхом Муродов, — маррага тўрт иш кунда етдик. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 46 центнерни ташкил этди. Тумандаги «Аҳад салом», «Раҳмат Барака», «Шухрат» фермер ҳўжаликларида эса бу



кўрсаткич янада юқори — 55-65 центнердан ошиб кетди.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

БУВАЙДАНИНГ ЯНГИ МАКТАБИ

Фарғона вилоятининг Бувайда туманида янги мактаб биноси барпо этилди. Икки юз ўқувчига мўлжалланган, замонавий андазалар асосида қурилган, ўқув жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган ушбу таълим максанида ёшларнинг билим олиши, спорт билан шуғулланиши учун барча шароит яратилди. — 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ шу кунга қадар туманимиздаги 49 та умумтаълим мактабиде капитал реконструкция, капитал таъмир ва жорий таъмирлаш ишлари бажарилди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Абдужалил Султонов. — Айни пайтда эса етти мактабда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари давом этмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири

Кўргазма

«БОЛАЛИКНИНГ ТУМОРИ»

Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида болаларга бағишланган «Болаликнинг тумори» номи кўргазма очилди. Унинг доирасида шу номли кўрик-танлов ҳам ташкил этилган. Кўргазма ва кўрик-танловда пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 24-меҳрибонлик уйи, «SANVIK» ногирон болалар илмий тадқиқотлар бадий маркази вакиллари ўз қўллари билан ясаган турли-туман кўргазмалар намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Миллий банки, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, бир қатор қўшма корхоналар ҳамда «Radison sas Tashkent» меҳмонхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазма 1 июнга қадар давом этади.

Муқаддас ЁҚУБОВА

Мулоҳаза

ИҚТИСОДИЙ СУҒУРТА АФЗАЛЛИГИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида суғурта фаолиятда ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, суғурта фаолиятининг ривожига ҳамда суғурта хизматлари бозорида ҳуқуқий база ва суғурталовчиларга қулай иқтисодий имкониятлар яратилган. Айниқса, суғурта тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, суғурта ташкилотларининг мустақиллигини ошириш ҳамда уларни инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчиларига айлантириш, суғурталовчилар манфаатларини ҳимоя қилиши кучайтириш мақсадида 2002 йил 31 январдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан эълон қилиниши айни мuddа бўлди. Натижада мамлакатимизда суғурта компаниялари тез суръат-

ларда ривожланиб бормоқда. Хусусан, фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан келиб чиққан зарарни тўла ёки қисман қоплаш йўли билан муқофазалаш чораси йилдан-йилга такомиллашмоқда ва суғурталовчилар сони ҳам ортиб бормоқда. Суғурта шартномаси юридик ва жисмоний шахслар билан уларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилади. Кенг худудларни камраб олувчи, юзлаб корхоналарда ишлаб чиқаришни тўхтатувчи, минглаб аҳоли ҳаётига хавф туғдирувчи табиий офатлар содир бўлиши натижасида суғурта тизими орқали зарарни қоплаш — иқтисодийта макрокўрсаткич даражада акс этади. 16дан 70 ёшгача бўлган фуқаролар, фуқароларга бўлмаган шахслар суғуртага ихтиёрий равишда шартнома асосида жалб этилиши мумкин. Суғурта шартномаси амал қилган даврда суғурта ҳодисаси содир бўлса, тегишли

ўтказилиб, меъёрий ҳужжатлар асосида суғурта қопламасининг миқдори аниқланади. Аммо шундай бўлса-да, суғурта ташкилотлари бахтсиз ҳодисалар сабабини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш, уларни суғурта механизми орқали камайтириш ҳамда суғурта тарифларини такомиллаштиришда ечимини кутаётган баъзи бир муаммолар ҳам йўқ эмас. Мамлакатимизда суғурта тизимини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича белгиланган меъёрни таҳлил қилиш ва уни амалга таъбиқ этиш мақсада мувофиқ. Бу эса мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, суғурта тизимини барқарор фаолият юритишнинг таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Анар ЧўЛПОНОВ

Қонун барчага баробар

Суд ҳокимиятининг макеи ва обрўсини оширишда авваламбор улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида тўлиқ ихро этилиши катта аҳамиятга эга. Албатта, бу ижро департаменти ходимларидан масъулият талаб этади. Ижро департаментининг Мировод туман бўлиниқаси иш юритувчи жорий йилнинг илк чорагида 4701 та ижро ҳужжати келиб тушди. Шундан 2600 ижро ҳужжати қарздорлардан коммунал тўловлар, яъни «Тошиққуввати» ИЧБ, «Сувсоз» ДУК, «Махсустрас» АК, «ТошГАЗ», «Электр тармоқлари» ОАЖ ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари фойдасига ундирувлар ҳақидадир. Маълумки, қарздорга суд қарори талабини ихтиёрий равишда бажариш учун 5 кунгача мuddат берилади. Ушбу мuddатда қарздор томонидан талаб бажарилмаса, мажбурий ижро ҳаракатлари амалга оширилади. Бунда, суд ижросини қонуннинг 82-моддасига асосан қарздорларни жаримага тортиши, мол-мулкни хатлаб, сотувга чиқариши, иш

МУЛКИ БОР, ЛЕКИН ИНСОФИ...

Уларнинг қўл остида хусусий кафе ва ошхона бўлатуриб, қарзларини тўлашга гўёки пулларни йўқ эмиш. Ёки мазкур мавзедаги 41-48-уйларда истиқомат қилувчи қарздорларни олиб кўрайлик. Уларнинг ҳам тадбиркорлик субъектлари бор. Лекин катта миқдордаги қарзларни ўз вақтида тўлашни ҳаёлларига келтиришмаётганига нима дейсиз? Назаримизда, ҳар бир кишида андиша бўлиши керак. Иқтисодий бор бўлиб, қарзини тўламай юрганларни андишли одам дейиш мумкинми? Албатта, йўқ. Аслида, мана шундай инсонлар туйғулари уй-жой-коммунал хизматларида муаммолар пайдо бўлмаётганимикин? Шундай экан, ҳар бир фуқаро виждонан, ўз вақтида тўловларни амалга оширса, камчиликларнинг олдини олишга баҳоли қудрат хисса қўшган бўлади. Шариф ТўРАХОНОВ, Баҳоиди МУЗАПАРОВ, Мировод тумани суд ижрочилари

ЭРОН



6 май куни Хавьер Солана БМТнинг доимий аъзолари — Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ, Франция ва улар сафига кирмайдиган Германиянинг Эрон ядро дастури борасидаги зиддиятларни ҳал қилиш бўйича таклифларини Эрон раҳбариятига топширган.

«Associated Press» ахборот агентлиги АҚШ томони Эрон ўз ҳудудда урани бойитишни бошламаслиги учун ҳатто бисотидаги ядро тадқиқотлари билан ўртоқлашиши мумкинлиги ҳақида хабар берди. Бундан ташқари Европа Иттифоқи Эронга енгил сувда ишловчи реактор тақдим қилиш ва бойитилган уран етказиб бериш мажбуриятини олган.

АҚШ президенти Жорж Буш Техроннинг муаммони ҳал этиш бўйича ҳамкорлик қилишга розилик билдирганини «ижобий қадам», дея баҳолади.

— Эронликлар уларга берилган таклифларни энди кўриб чиқа бошладилар. Яқин кунларда уларнинг бу борадаги фикрларини эшитиш ниятимиз бор. Уларнинг бу таклифларга жиддий ёндашаётганининг ўзи ҳаммаизга умид бағишлаб турибди. — деди Оқ уй матбуот котиби Тони Сноу журналистлар билан учрашувда.

ФИЛИППИН

Филиппин Конгресси мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги қонун лойиҳасини қабул қилди. Лойиҳа Филиппин президенти Глория Макапагал Арройо томонидан тасдиқланиши керак.

Манила маъмурияти расмий вакилининг айтишича, Арройо парламент ташаббусини қўллаб-

қуватлаши ва қабул қилинган ҳужжатни имзолашни билдирган. Бу ҳужжат қабул қилиниши билан охириги йиллар давомида ўлим жазосига ҳукм қилинган шахслар жазоси энди бир умр қамоқда ўтириш жазоси билан ўзгартирилади. Маълумотларга кўра, айна пайтда Филиппинда ўлимга ҳукм қилинганлар сони

миңдан ошар экан.

1987 йилда мамлакатда олий жазо янги конституция ёрдамида бекор қилинган, бироқ 1994 йилда жиноятлар сони кескин ошиши бу жазо турини тиклашни тақозо этганди. Охириги беш йил ичида эса мамлакатда ўлим жазосига мараторий эълон қилинган.



БРАЗИЛИЯ

Бразилия пойтахти Бразилиада юзлаб ерсиз деҳқонлар парламент биносига бостириб киришди. Улар қишлоқ ҳўжалигида ислохотлар ўтказишни, Бразилиянинг ер борасидаги қонунчилигини ўзгартиришни ва мажбурий ишлатиш амалиётини бекор қилиш каби талабларни илгари суришди.



Мамлакат ҳукумати берган маълумотга кўра, парламент биносига «Ерсиз деҳқонлар ҳаракати» уюштирган тартибсизликлар оқибатида 20га яқин одам жароҳатланди, улардан 300га яқини кўлга олинди.

Ерсиз деҳқонлар мамлакат президенти Луиш Инасиу да Сильвага қўллаб-қувватлашди. Бироқ охириги пайтларда

ҳукумат ер ва қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар сулстик билан амалга оширилаётгани боис танқидга учрамоқда. 2003 йилдаги сайловлар пайтида Луиш Инасиу да Сильва каровсиз қолган ерларни уй-жойга эга бўлмаган камбағал оилаларга бўлиб беришни ваъда қилган. Бироқ ҳаракат етакчилари ҳукумат 2006 йилгача 400 миң оилани уй-жой билан таъминлаш режасини амалга оширмаганидан норози бўлишмоқда.

БМТ

БМТ бош котиби Кофи Аннан томонидан эълон қилинган янги ҳисоботда айтилишича, дунёда 200 миллионга яқин одам туғилиб ўсган юртидан олисларда яшар экан.

1990 йилда дунёда муҳожирлар сони тўрт баробарга ошди. 2000 йилда эса уларнинг сони 191 миллионни ташкил этди. Бу одамларнинг ярми ривожланган мамлакатлардан паноҳ топиш истагида юрган бўлса, 75 миллионга яқини ривожланаётган мамлакатлар орасида юриб кун кечирмоқда.

Баъзи мамлакатларда муҳожирлар томонидан уйга юбориладиган пуллар миллий даромаднинг асосий қисмини ташкил этаркан.

Аннанинг айтишича, муҳожирлик халқаро ҳаётнинг асосий омилларидан бирига айланди.



Памфлет

ЗАМОНА ЗЎРНИКИМИ?

ЁКИ БОШҚАЛАРНИНГ УСТИДАН ҲУКМ ЧИҚАРАЁТГАН ДЕМОКРАТИЯ «ДАҲОЛАРИ»НИНГ АЙРИМ ҚИЛМИШЛАРИ ҲАҚИДА

Бугунги халқаро ҳаётни кузатсангиз, хайратдан не-не ўй-хаёлларга бормаёйсиз. Баъзан «астағфирулло» дейишдан бошқа иложи топилмайди. Ноилоҳ «аклингга ақл қўш, ҳақлингга — сабр» деган нақлга бўйсинасиз.

Яхшиси, ўтган бир-икки ҳафтада телеэкранларда қайта-қайта намойиш этилган муҳим манзаларни кўз олдингиздан ўтказинг.

Афғонистон: Қобул кўчаларидан бирида хорижий бир мамлакатнинг ҳарбий машинаси бир енгил автомобилни ичигада одамлари билан эзиб юборди. Бундан ғазабланган маҳаллий аҳоли тош отиб норозилик билдирган эди, хорижий ҳарбийлар хотин-халаж, болачака деймай уларни ўққа тутишди. Бир зумда кўча жасадга тўлди. Уларнинг орасида мурғак гўдакларнинг нозик таналари ҳам бор эди. Ундан олдин масжид бомбардимон қилиниб, қирқдан ортиқ намоз ўқибатган одам ўлдирилди. Ундан ҳам олдин жангарилар борлиги гумон қилиниб, тоғолди қишлоқлари ўққа тутилганда қанчадан-қанча тинч аҳоли қурбон бўлди...

Ирок: Яқинда бир аёлнинг тўлғоғи тутиб қолди. Овсини уни дарҳол енгил машинага ўтказиб, туғуруқонага шовилди. Хорижлик назоратчи хуштак чалди, бироқ буни тўлғоқдан чинқираётган аёлнинг овози босиб кетди. Мана сенга, деб назоратчи тепкини босди. Машина чил-парчин бўлди. Хомиладор аёлнинг овози ўчди... Бундай фожиалар тез-тез бўлиб туради.

Хўш, булар кимлар? Афсуски, улар ўзларини ҳақиқатнинг кўзи, дунёнинг устуни, жаҳоннинг қозиси, деб ҳисоблайдиган демократлардир. Улар ҳамма нарсани ўз андазалари билан ўлчайдилар ва ўз ҳақиқатларидан бошқа

ҳақиқатни, яъни диннинг муқаддаслигини, маънавиятнинг улугворлигини, жамиятнинг ахлоқий тартиб-қоидаларини, миллатларнинг миллий қадриятларини, умуман, инсониятга Оллоҳ томонидан берилган эзгулик ва имкониятларни тан олишмайди. Улар ҳаётнинг барча жабҳаларида ўзларига мос ва ўзларига хос сунъий стандартлар ишлаб чиқишган. Бу стандартлар тўғрлик ва ҳолисликдан йироқ бўлиб, фақат уларнинг ўз манфаатлари ва мақсадларига хизмат қилади.

Улар ўз стандартларини даъвогарнинг қимлигига қараб қўллашади. Агар даъвогар суст бўлса, муттаҳамликни ошириб юборишади. Борди-ю, даъвогар зўр бўлса, мулоимлик билан зўр куйруқларини гувоҳликка тортиб қўяқолишади. От тепкисини от кўтарди-да!.. Бугунги кунда Афғонистон ва Ироқда юз бераётган муҳим воқеалар шундан гувоҳлик бериб турибди. Бундай манзараларни бундан қирқ йил олдин Вьетнамда ва дунёнинг бошқа жойларида кўрганмиз...

Баъзан халқаро ташкилотларга ҳам ҳайрон қоласиз. Улар қайси давлатда ким қўқолиб қулаб тушганлиги, ким нима сабабдан ишдан бўшатилганлиги, қайси вазир ёки журналистга қандай чора кўрилганлиги, қайси давлатда сўз эркинлиги ва матбуот эркинлиги қай даражада эканлиги, қаерда кимнинг қандай ҳуқуқи бузилганлиги ҳақида куну тун ногора қўқиб баёнот беришади-да, айтишлик, Ироқдаги муҳим ҳолатлар ҳақида лом-мим дейишмайди.

Шундай. Қанчалик аччиқ бўлмасин ҳақ сўзимизни айтдик. Энг муҳими, ҳар қандай ивгоёу физик-фасодага, тамгаю тўхмат тошларига ўз вақтида зарба бериш зарур. Ҳулоса шунки, оғизбирлик халқни ҳар қандай бало-қазоддан сақлайди.

Иброҳим НОРМАТОВ, сийёсий шарҳловчи

рака-маросимлар, масжидлар, қишлоқлар, бинолар ва одамлар ҳақида жиддийроқ баёнот бериб, «нуқул адашаётганларга нисбатан санкция ёки бошқа беришга чора қўллаш ҳақида таклиф қилиш эп қўрмайпти. Бунинг ўрнига, аксинча, зўрнинг ногорасига жўр бўляпти. Чунки, тиллаб чиқилган сунъий стандартлар ва уларни қўллаш усуллари бир хил. Бугунги Европа Иттифоқи Европа қўлиб, Осиё билан шуғулланаётганига нима дейсиз? Осиёда демократия ва эркинлик деган нибоб остида бехаё сунъий турмуш тарзи кенг жорий этилишини, қарияларга хизмат қилиш ва фарзанд тарбиялаш ўрнига инсониятга ёт бўлган ғайритабиий одатлар таркиб топишини истаётимиз?

Аслида бунинг коммунизм вабосидан ҳеч қандай фарқи йўқ. Мақсад — ҳар қандай миллатни ўзлигидан ва эътиқодидан айириб, ўтмишидан ва миллий қадриятларидан жудо қилиб, келажакка йўқ тобе ва манкуртга айлантириш. Чиройли нибоб остида яширинган асл мақсадни англаб етмаган халқ ютқазди. Ҳар қандай халққа эркинлик ва озолик аввало ўз миллий қадриятлари билан бирга керак. Биз демократиянинг моҳиятини ана шу қадриятларнинг бугунги кундаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб тушунаемиз.

Бошбошдоқлик ҳеч бир даврда, ҳеч қачон халққа наф келтирмаган. Шунингдек, демократия ва инсон ҳуқуқлари нибобиди мунофиқона сиёсат ҳам обрў келтирмади. Бунга Ироқдаги вазиёт ана бир марта тасдиқламоқда.

Шундай. Қанчалик аччиқ бўлмасин ҳақ сўзимизни айтдик. Энг муҳими, ҳар қандай ивгоёу физик-фасодага, тамгаю тўхмат тошларига ўз вақтида зарба бериш зарур. Ҳулоса шунки, оғизбирлик халқни ҳар қандай бало-қазоддан сақлайди.

ФЕРМЕРЛАР ВА БАРЧА ТУРДАГИ САВДО ЮРИТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ «CHILONZOR BUYUM BOZORI» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ҚУЙДАГИ ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ (ТЕНДЕР) ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Ҳажми
1.	Картошка	тонна	100
2.	Пиёз	тонна	100
3.	Сабзи	тонна	20

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги шохкўчаси, 156 а-уй. «CHILONZOR BUYUM BOZORI» ОАЖнинг савдо-харид корхонаси.
Телефонлар: 79-73-00, 79-73-10, 79-73-22

Таклифлар танлов (тендер) ташкилотчис томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифларни танлов (тендер) ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати 2006 йил 12 июнь

Танлов (тендер) эълон матбуотда чоп этилгандан 5 кундан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Долзарб мавзу

ТҲЙ - МАЪНАВИЯТ БЕЛГИСИ



Газетамизда халқимизнинг бебаҳо урф-одатлари, удувлари ҳақида кўп маротаба чиқишлар қилинган, турли мулоҳазалар билдирилган. Хусусан, ўзбекона тўйларимизнинг бугунги ҳолати, улар билан боғлиқ расм-русумлар, маросимлар хусусида мутасаддилар, маҳалла фаоллари, ёшларнинг фикрлари эълон қилинган. Бироқ, ана шундай гўзал маросимни ортиқча даб-дабозликка айлантириб юбориш ҳоллари афсуски бугун ҳам учрамоқда.

Тўй аслида ҳаётимиздаги унутилмас кунлардан, миллатимизга хос покиза урф-одатларимиздан биридир. Тўй деганда, оилавий ҳур-сандчилиқни, ўзбекона эҳсон савобини англаймиз. Ҳар қандай тўйда шубҳасиз, миллатнинг руҳи, маънавияти, ўзига хос хусусиятлари ярқ этиб кўза ташланади. Аммо кейинги пайтларда кимўзарга қилинаётган тўйлар, ортиқча дабдаба-ю вавасалар қаердан пайдо бўляпти?

Бугун тўй деб хаёлга келганини қилиш, қушқондан чиқиш, урф-одатларни менсимаслик, исрофгарчилик, ичкиликбозликка асосланган тўйлар ўтказишни бирон нарса билан оқлаш мумкинмикан? Худди шу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 1998 йил 28 октябрда Президентимиз алоҳида Фармон қабул қилган эди. Мазкур ҳужжатнинг ижроси сиз билан бизнинг зиммамизда эмасми?

Ном, шону шухрат илн-жида тўй қилиш, бор будини тўқиб-сочиш, етмаганига қарз қўтариш ўрнига тўйларимизни ихчам ва файзли қилиб ўтказган мар-кул эмасми? Бундай тўйларда тўйиб спиртли ичимлик ичишлар, бўкиб овқат ейишлар ўрнига ширин сўхбатлар, маза-матра-

сиз қўшиқлар ўрнига мазмунли ашулалар, даврада эса эркагу аёл аралаш-қуралаш ҳолда у ёқдан бу ёққа сакрашлар ўрнига маданиятли, ўзбекона ўйин-қўшиқлари бўлса ёмонми?

Бердйёр ХУШМОНОВ, Пахтакор туманидаги «Дилором» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалламизда 3928 нафар аҳоли истикомат қилади. Ҳафтада 1-2 тўй ёки бирон-бир маросим бўлиб туради. Албатта, уларнинг ҳаммасини ҳам ортиқча дабдабадан ҳоли, ихчам, эсда қоларли тарзда, деб айтолмайман. Аммо, аксариятнинг мазмунли, файзли ўтгани боис нафақат шу тўй эгаларининг, балки кўпчилигининг ёдида қолаётгани бор гап. Бир мисол. Яқинда маҳалламиз фаолларидан бири Исмаил Нуралиев тўй қилди. Оддий, тартибли, чиройли ўтди. Спиртли ичимлик қўйилмади. Бу бир-иккита шишага ишқибозларга ёқмади, албатта. Улар даврани ошқора тарқ этдилар. Қолганлар дастурхондаги ноз-неъматлардан тотиб, ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатиб ўтирдилар. Мехмонлару мезбонлар, дўсту қадрдонлар дийдорлашдилар. Ажойиб гурунлар, ширин хангомалар, ўзбекона лутф,

мазмунли қўшиқлар бўлди. Тўйда ўтирибману, хаёлимда бир фикр чарх уради, нега ҳамма тўйларимиз шундай ўтмайди? Ёки қандай тўй қилиш аввало, тўй эгасига, унинг маданиятига, савиясига, шахс сифатида қайси хислатлар соҳиби эканлигига боғлиқмикан?

Мамарасул УМАРОВ, Дўстлик тиббиёт коллежи ўқитувчиси:

— Бугун тўйлар қандай ўтишиши шу қишлоқ ёки маҳалла оқсоқоллари, фаоллар, зиёлиларнинг ҳам ўрни борлигини, унутмаган маъқул. Улар айрим ҳолатларда тўй соҳибининг даврани чоғроқ қилмоқчиан, деган гапларини инобатга олишмайди, қўллаб-қувватлашмайди. Аксинча, сенинг фалончидан кам жойинг борми, ҳар кун тўй қилиб ётибсанми, ичкиликсиз тўй тўй бўлармиди қабилидаги гаплар билан унинг нафсониятига тегишдан, ўзларининг таъбири билан айтганда, «товонини қиздиришдан» ҳам тап тортишмайди. Натижада бундай қишлоқ ёки маҳаллада кимўзарга тўй қилишлар авжга чиқади. Ахир, кимўзарга тўй қилиш, мактанчоқлик, исрофгарчилик, манманлик динимизда ҳам қораланган-ку.

Бўрибой ПАРДАЕВ, Мирзачўл туманидаги «Ислом Сулаймон» фермер ҳўжалиги раҳбари:

— Ёшим элик оптида. Озми-кўпми турмуш тажрибасига эга инсон сифатида ҳозир мени бир нарса ўйлантиради: хўш, тўқиб-сочиб тўй бериш, дабдабага ўчлик иллати бизда қачон ва қандай пайдо бўлди? Тўғри, бор эканки, шундай

бўляпти дейишингиз мумкин. Аммо, нега унда биз илму маърифат соҳасида, ҳиммату саховат масаласида, одобу камтарликда, маҳалламизни, қишлоғимизни обод қилиш, гуллаб-яшна-тиш йўлида эмас, айнан исрофгарчиликка йўл очиб беришда кимўзар ўйнаёмиз? Гапимнинг исботи сифатида сизларга яқинда ўзим шохиди бўлган бир тўйдаги воқеаларни қисқача сўзлаб берай. Давра шунчалик катта ва дабдабали эдики, дабдурустдан ақлинг шошади. Ноз-неъматларнинг ҳисоби йўқдай. Ароқчи-ку, қўяверинг. Бамисоли сув бўлиб оқаяпти. Уртада ўн-ўн беш чоғли ширакайф аёлу эркак. Отарчининг овоз кучайтиригидан чиқаётган овози қулоқни қоматта келтиради. Эркакаларни-ку қўя турайлик, даврадаги аёллар гоҳ яширин, гоҳ ошқора қизилдан-оқидан отишаяпти. Шу ҳам тўй бўлдики? Тўй деганда одамлар фақат спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолда ўйнаш ёки ўзини кўз-кўз қилишни тушунишадими? Ахир, бунинг оқибати эртага нима бўлади? Фарзандларимиз биздан нимани ўрганади?

Дилшод ҚОДИРОВ, Жизжа шаҳридаги вилоят шифохонаси шифокори:

— Ароқнинг инсон саломатлиги учун зарарли эканлиги, унинг раволиклару фожиаларга сабабчилигини яхши биламиз. Биламиз, лекин ундан ўзимизни тиёлмаймиз. Бугун тўйларимиздаги бир ҳолат мени ташвишга солади. Бу — пулга ўн санъаткорлару, даврабошилар-

нинг қўшиқлари, табриклару, сўзларидидаги мантисизлик, хаёсизлик. Айрим ашулаларда шундай сўзлар ишлатиладики, эшитсангиз, уят ва номусдан қийин жимирлаб кетади! Табриклар-чи? Уларнинг ярми хушомад, ярми олди-қочди сўзлар. Миллатнинг асл урф-одатлари, аънавалари, халқимизнинг чиройли тиллақлари, юракларга лаззат бағишловчи ашулалари қани?

Этибор АБДУЛЛАЕВА, Арнасой туманидаги 8-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:


— Бир қўшим бор. Яқинда қизини узатди. Узининг айтишича, тўй билан боғлиқ катта-кичик тадбирлар учун 3 миллион сўм сарфлабди. Йиллаб емай-ичмай тўплаганини ишлатгани етмагандай, қариндош-уруғдан қарз ҳам кўтарибди. Энди қарз узиш билан овора. Шунинг ўрнига иччамроқ тўй қилса, тўйни ортиқча чиқимларсиз ўтказса, кетган харажатнинг тенг ярми ёнга қолмасинди? Шунинг болаларига сарфласа бўлмасми? Одамларда ҳам хайронсан, фарзандларини ўқитишга пул тополмайди, дабдабали тўйлар қилишга топа қолади.

◆◆◆
Ўзбекининг нимаси кўп — фарзанди кўп, тўйи кўп. Бу бежиз эмас. Тўйлар, уларнинг маънавий жиҳатлари ҳақида гап кетар экан, даставвал, ортиқча харажат талаб қилувчи маросим, урф-одат, удувларимизнинг қаердан пайдо бўлгани, ҳақиқий ўзбекона тўйлар илгари қандай ўтгани ҳақида ўйлаб кўриш зарурга ўхшайди. Тарихимизга

назар ташлайдиган бўлсак, азал-азалдан тўйларимиз кўпқари, пойма, бахшлар айтишуви, полвонлар беллашуви сингари удувларсиз ўтмаган. Булар ҳозир ҳам айрим ҳудудларда оз бўлса-да сақланиб келмоқда. Шундай экан, бугун ҳам тўйларимизда менталитетимизга хос бўлган ортиқча, хусусан, спиртли ичимлик тортиш ўрнига турли спорт мусобақалари ташкил этилса, қўша-қўша тоғоралар, яшиқ-яшиқ ароққа кетган маблаг ана шундай фойдали тадбирларга ишлатилса яхши эмасми?

Тўйга келган санъаткорларимиз эса даврада нима деяётгани, қандай ашулалар айтаётгани ҳақида тузукроқ ўйлаб кўрсалар бўларди. Бу каби савобли, эзгу ишларнинг бошида бошқолар эмас, айнан қишлоқ ва маҳалланинг обрўли қилишлари, ҳурматли оқсоқолларимиз, қавлони мола-римиз туртишса, қандай яхши. Қолаверса, тўй қилувчилар ўзлари ўтказётган тўйнинг биринчи навбатда уларнинг қимлигини эл-юртга кўрсатувчи кўзга, маданияти, дунёқарашини, ахлоқ одобини, инсоний фазилатларини кўпчилик олдида намойиш этувчи ойна эканлигини ўйлаб кўрсалар, шунга мос, шунга муносиб иш тутсалар қанийди.

Токи, ўзбекининг ўзбекона тўйларига борганимизда кўнглимиз афсус ва ачи-ниш ҳисларига қулганмасдан, аксинча, гурур ва ифтихор тўйларига тўлсин.
Иброҳим ЖОНУЗОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири



Аввало, футбол бўйича жаҳон чемпионати тарихига назар ташласак. Бу галгиси билан қўшиб ҳисобланганда ўн саккизинчи марта ўтказилмоқда. 1930 йилдан бери ташкил этиб келинаётган бу байрамлар йилдан-йилга миллионларни ром этиб, мохир ўйинчилар сафи кенгайишига сабаб бўлмоқда. Маълумки, шу пайтгача Бразилия терма жамоаси беш марта (1958, 1962, 1970, 1994, 2002), Италия (1934, 1938, 1982) билан Германия (1954, 1974, 1990) уч мартадан, Уругвай (1930, 1950) ва Аргентина (1978, 1986) икки мартадан, Англия (1966) ва Франция (1998) футболчилари бир мартадан жаҳон чемпиони бўлишган. Биринчи жаҳон чемпионати 1930 йилнинг 13 июль кuni Франция — Мексика жамоалари учрашуви билан бошланган. Жанубий Корея ва Японияда ўтказилган 2002 йилги чемпионати эса Франция — Сенегал футболчилари бошлаб беришган эди. Бу сафарги чемпионатдан бошлаб ўзига хос аъяна, яъни дастлабки ўйинни чемпионлар иштирокида ўтказишга барҳам берилди. Шунинг учун ҳам эртага маҳаллий вақт билан 21.00 да Мюнхен стадионида Германия ва Коста-Рика футболчилари майдонга тушадилар. Иккинчи учрашуви эса Польша — Эквадор жамоалари ўртасида бўлади. Қизиги шундаки, Халқаро футбол федерацияси финал учрашуви учун мўлжалланган чипталар

нархини 120 — 600 евро ҳисобида белгилаб қўйди. Футболчиларни рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қилинмоқда. Чунинчи, Гана футболчиларига мамлакат ҳукумати ҳар бир галаба учун 20 минг доллардан беришни ваъда қилмоқда. Аслида ФИФАга, жаҳон кубогига кимлар асос солган? Қайд қилинишича, 1904 йилнинг 21 май кuni Парижда ФИФАга асос солинган экан. Уша пайтдаги йиғилишлардан

ган. Унинг буюртмаси бўйича парижлик заргар Абель Лефлер ФИФА олтин кубогини яратган. Бўйи 30 см, оғирлиги 1800 граммли кубокда юнон-грек маъбудаси Нике тасвири ифодаланган. Бразилия футболчилари уч марта ана шу «Олтин маъбудани» қўлга киритишган. 1973 йили эса номаълум қароқчилар ФИФА қароргоҳидан уни ўйирлашган. «Маъбуд» топилмагач, 1974 йили жаҳон кубогини ясаш учун италян заргари Сильвио

келтириш мумкин. Хусусан, 1934 йили Италияда ўтказилган чемпионатда 17 учрашуви 358 минг киши томоша қилган бўлса, АҚШда уюштирилган чемпионат ўйинларида бу рақам рекорд натижа, яъни 52 ўйинга 3 миллион 587 538 томошабин келган. Германия шаҳарларидаги стадионлар орасидаги масофа ҳам турлича. Энг қисқа масофа 117 километр бўлиб, Кайзерслаутерн — Франкфурт шаҳарлари оралиғидир. Франкфуртдан Бер-

харж қилинган. Ҳар иккала стадион ҳам кўпи билан 71176 томошабинга мўлжалланган. Германияда ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этаётган 32 жамоа саккиз гуруҳга бўлинган ҳолда кураш бошлайдилар. Гуруҳ ғолиби бўлиш эса сўзсиз осон кечмайди. Ғолиблар 23 июндан кейин маълум бўлади. Унгача муҳлислар 48 та учрашув гувоҳи бўладилар. Шундан кейин, гуруҳ ғолиблари ўртасида нимчорак финал баҳслари бошланади. Хуллас, бир ой мобайнида унутилмас, бетахорр 64 та учрашув бўлиб ўтади.

Хўш, чемпионлик кимларни асосан даъвогар дейиш мумкин? Балки, бразилиялик футболчиларга олтинчи марта кубокни қўлга киритиш насиб этар? — Маълумки, — дейди Англия терма жамоасининг сардори Бекхэм, — 2002 йилда ўтказилган жаҳон чемпионатида Бразилия бизни лол қолдирган. Ушанда Лотин Америкаси футболчиларидан энгиллиб, чорак финалдаёқ ўйга қайтишга мажбур бўлганмиз. Бу сафар эса уларнинг олтинчи марта чемпион бўлишларига йўл бериш йўқ!

— Биз Бразилия футболчиларига ўхшаб олдиндан чемпион бўлишни орзу қилмасак-да, — дейди Украина терма жамоасининг мохир тўпурари Андрей Шевченко, — ярим финални кўзлаётганимизни яширмайман. Бу биз учун ажайиб галаба бўларди.

Дарвоқе, тўпнинг думалоқ эканини унутмайлик. Ғолибликнинг кимга насиб этиши, биринчи тўп муаллифи ким бўлишини олдиндан айтиб бўлармики? Нима бўлганда ҳам интиқлик билан қўнғилан футбол байрами миллионлаб ишқибозларга олам-олам кўнун улашиши табиий.

Ҳайдар НОСИРОВ,
Равшан ШОДИЕВ

ГО-ОЛ!

КИМГА КУВОНЧ, КИМГА ЎКИНЧ? ЭРТАГА ГЕРМАНИЯДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛанаДИ



бирида голландиялик Г.Хиршманн жаҳон чемпионати ўтказиш ташаббуси билан чиққан. Лекин, унинг таклифи негадир эътиборга олинмаган. Орадан 15 йил ўтгач, француз Жюль Риме билан Анри Делон бу хайрли ишни амалга оширган. Риме 1954 йилгача ФИФАни бошқариб, «Футбол оламида ҳеч қачон қуёш сўнмас» шioriни ўртага ташла-

Газзанига буюртма берилган. Бу кубокнинг бўйи 36 см., оғирлиги 4970 грамм бўлиб, унда ер қуррасини икки қўлида кўтариб турган футболчи тасвири гавдалантирилган. Шундан бери чемпионат ғолибларига ана шу кубокнинг нусхаси топшириб келинмоқда.

Футбол байрамига оид бундай қизиқarli маълумотларни қўллаб

Янги китоб

«ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТЛАРИНИНГ ТАРИХИ»

Хар қандай спортнинг энг юксак орузси Олимпиада чемпиони деган фахрли номга эга бўлиш. Лекин бу футболчиларга унчалик тааллуқли эмас. Чунки футболчилар кўпроқ жаҳон чемпионатида иштирок этиш истагида, чемпион бўлиш орузида юришади. Ишқибозлар учун ҳам футбол бўйича олимпиада ўйинларидан кўра жаҳон чемпионати қизиқarliроқ. Негаки, Олимпиадада асосан ёш футболчилар иштирок этса, жаҳон чемпионатида эса энг маҳоратли, дунё таниган ва тан олган футболчилар ўзаро беллашадилар.

Футбол бўйича биринчи жаҳон чемпионати қизирган ва унда қайси жамоалар иштирок этган? Ким ғолиб чиққан? Кимлар тўпурар бўлган? Эса қоларли қўнғилмаган қандай ҳолатлар юз берган? Натижалар-чи? Умуман, кейинги жаҳон чемпионатларида ҳам қандай натижалар қўлга киритилган? Орузига етишгану армонда қолганлар кимлар? Илк ва кейинги жаҳон чемпионатлари кимларнинг сазй-ҳаракати, ташаббуси билан ташкил этилган?

«Футбол ишқибозларини қизиқтирадиган бу каби қўллаб саволларга ақинда «Шарқнашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан нашр этилган «Футбол бўйича жаҳон чемпионатларининг тарихи» номли китобдан батафсил жавоб топиш мумкин. Китобнинг номлашидан билиш мумкинки, унда хар бир жаҳон чемпионатида оид жуда кўплаб қизиқarli маълумотлар, рангбаранг суратлар берилган. Бир сўз билан айтганда бу китоб навбатдаги жаҳон чемпионати арасида футбол ишқибозлари учун ўзига хос ажайиб тўхта бўлди.

Ха, айтганча, китоб муаллифи — республикамизнинг таниқли, истеъдодли спорт журналистларидан бири Дилшод Исроиловдир.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Allimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey O'RILOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistan»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihidin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rif 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: **Behzod SHUKUROV**

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikomjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxon manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tabriyot ruxsati bilan amalga oshiriladi.

10942 nusxada bosildi
t — **Tuzokom** matbuotxona

O'za yakuni — 22.10
Topshirish vaqti — 22.30
1 2 3 4 6

Sotuvda erkin narxda

Шу куннинг гапи

БОҚСАНГ БОҒ, ЙЎҚСА ДОҒ БЎЛАДИ

Кўп қаватли уй олдидаги бир-икки бўйра жойда ўстирган боғимиз бор. Бир кuni ортиқча шох-шабаларни кесиб турганим, ён қўшим болаларни койиб қолди.

— Ҳа, қўшни, болакайларни хафа қиласиз?
— Кўрмaysимиз, ғурани кўйишмаяпти. Жилла курса думбул бўлсин, кейин... Қаранг, ўрик шохларини синдиришибди.

— Уриқдан бир ховуц беринг, қутласиз-қўясиз. Мана, шафтоли ғурасини берганим, ачқиллигига қарамай, маза қилиб чайнашди. Болалар ғўра-нордонга ўч бўлишди. Усаётган ёш танасига дармондори ҳаводек зарур-да, қўшни, — дедим.

— Пишмасдан туриб меванинг ярисини ёб қуритишди-ку.

Тўғриси, кўп қаватли уйлар атрофида қаровсиз ётган ерлар оз эмас. Мевали даррахт нари турсин, жила курси, гул ҳам экиб қўйишмайди. Мевали даррахт камлигидан ё бизнинг, ё қўшнингнинг боғига болалар кўпроқ тушишди.

— Ҳозирча даррахтни сақлаб қолайлик. Яши ўсиб, меваси кўпайсин, ўшанда болаларнинг кўзи тўяди, — деб қўшнингни сабрга чорладим.

Кейин болалиқда довучча, олма ғураси-ю, ток шўрасини маза қилиб чайнаганимиз, балх, шотутларни тўйиб еганимизни эсладик. У эса ота-

Юнус ЗИЁДОВ

II РЕСПУБЛИКА АЁЛЛАР СПАРТАКИАДАСИ

10-12 июнь кунлари Қарши шаҳрида бўлиб ўтади

Хотин-қизлар ва болаларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида уюштирилаётган мазкур мусобақа илк мартаба Чирчиқ шаҳрида ўтказилган. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан ташкил этилаётган ушбу спартакиада дастурдан волейбол, стритбол, энгил атлетика, стол тенниси, арқон

тортиш, шохмoт, шашка, сузиш каби спорт турлари ўрин олган. — Мусобақада хар бир вилоят, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан 27 нафардан хотин-қиз қатнашди, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси масъул ходими Мухтасар Абдураҳмонова. — Спартакиадани юксак савияда ўтказиш учун Қаршида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Ғолиб ва совриндорлар учун олтин, кумуш, бронза медаллари, диплом ҳамда сертификатлар тайёрланган. Бундан ташқари, спартакиада ақунда турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, улар кўнматбао совғалар билан тақдирландилар.

Эркин ХОЛБОБО

Азиз ҳамюртлар!
Энг йирик ва нуфузли банклардан бири — Акциядорлик Тижорат

«ПАХТА БАНК»НИНГ

янги, қулай ва манфаатли муддатли омонатларидан самарали фойдаланинг!

«ШОДЛИК» омонат тури — 3 (УЧ) ОЙ муддатта қабул қилинади ва йиллик **22 ФОИЗ** миқдорида даромад тўланади. Омонатга маблағлар шу йилнинг 10 августигача фақат нақд пулда қабул қилинади.

Бошланғич бадал миқдори — 100 000 сўм.

«ҲОСИЛ — 2006» муддатли омонати. Омонатни сақлаш муддати **6 (ОЛТИ) ОЙ** бўлиб, йиллик **22 ФОИЗ** миқдорида даромад тўланади.

Омонатнинг энг кам миқдори — 20 000 сўм.

Омонатга қўйган маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш» Фонди томонидан кафолатланган!

«Пахта Банк»нинг янги, қулай жамғарма ҳамда муддатли омонатлари Сизнинг келгуси даромадингиз кафолати!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

«Экофестиваль — 2006»

ҒОЛИБЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

«Экосан» халқаро ташкилоти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекиано» эстрада концерт бирлашмаси Жаҳон атрофмўхитини муҳофаза қилиш кунига бағишлаб Экофестиваль ўтказди.

Экофестивалда вазиралик ва идоралар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, танкили ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, олимлар, табиат мавзуйдаги энг яхши ижодий ишлар кўргазмаси билан танишдилар. Кўргазма Ўзбекистон Бадий Академиясининг Бадий

кўргазмалар дирекцияси томонидан ташкил этилди.

Экофестивалнинг тантанали очилишида «Экология ва сoломатлик кунлари» республика кўрик-танлови ғолиблари эълон қилинди.

Шаҳарлараро ўтказилган танлов ғолиби — Қарши шаҳри «Экосан» халқаро ташкилотининг дипломи ҳамда қўйматни 3,6 миллион сўмлик, ободонлаштириш ишларида қўлланиладиган махсус прицеп билан тақдирланди.

Қорақалпоғистон Республикаси «Кўнғилрот технология сув билан таъминлаш бошқармаси» ҳам

совриндорлар сафидан ўрин олди.

Маҳаллалар орасида Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «Янгиобод» маҳалласи энг юқори экологик кўрсаткичларга эришганлиги учун мукофотланди.

Шунингдек, «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси, Тошкент давлат техника университети ва «Ўзнефтмаҳсулот» компанияси «Экосан» халқаро ташкилотининг дипломлари билан тақдирландилар.

Экофестиваль эл севган санъаткорлар иштирокида катта концерт билан аяунланди.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сийёси ижроия кўмитаси Сурхондарё вилоят партия кенгаши раиси Ҳамро Эрматовга волидаи муҳтарамаси **Турдиқол ЭРМАТОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ОАО «УЗКОММУНЭНЕРГОСОЗЛАШ»

совместно с агентством «Узкоммунизмат» проводит работы «под ключ»:

- Установка газовых расходомеров с коррекцией по давлению и температура на границах раздела и у отпoвых потребителей;
- Теплоснабжения установка инфракрасных излучателей для высокопотолочных помещений и локальных котельных;
- Монтаж, наладка электрооборудования.